

**«ALFA LIFE INSURANCE»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ № 1

« 16 » март 2022 йил  
Соат: 11:00

Тошкент ш.

**ИШТИРОК ЭТДИЛАР:**

Ягона акциядор «ALFA INVEST SUG'URTA KOMPANIYASI»  
Бош директори - И.Ю.Ахметова

**ТАКЛИФ ЭТИЛГАН:**

«ALFA LIFE INSURANCE» АЖ  
Бош директори – Якубова Н.К.

**КУН ТАРТИБИ:**

«ALFA LIFE INSURANCE» АЖнинг бошқарув органлари фаолияти ва жамиятда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи низомларни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги масала бўйича** «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори Н.К.Якубова сўзга чиқиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига кўра жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой муддатда акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, жамиятнинг қузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги (тегишинча директори, бошқаруви, ишончли бошқарувчи тўғрисидаги) ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тайёрлаши ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт эканлиги таъкидлади. Қонуннинг мазкур талабини ижро этиш мақсадида ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низом, «Қузатув кенгаши тўғрисида»ги низом, «Ижро этувчи органи тўғрисида»ги низом, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом, «Дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низом, «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги низомлар ишлаб чиқилганлигини ва мазкур ички меъёрий ҳужжатлар мазмунини кўриб чиқиб, тасдиқлашни таклиф этди.

**Кун тартибидаги масала бўйича  
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлар мазкур қарор иловасига мувофиқ тасдиқлансин:
- ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ягона акциядори томонидан қарор қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низом;
  - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Қузатув кенгаши тўғрисида»ги низом;
  - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Ижро этувчи органи тўғрисида»ги низом;
  - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом;
  - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисида»ги низом;
  - ««ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг ахборот сиёсати тўғрисида»ги низом.
2. «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директори тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар билан маъсул шахсларни таништирасин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш «ALFA LIFE INSURANCE» АЖ Бош директорига юклатилсин.

**Ягона акциядор номидан:**

«ALFA INVEST SUG'URTA KOMPANIYASI»  
Бош директори

И.Ю.Ахметова

**Таништирилди:**

«ALFA LIFE INSURANCE» АЖ  
Бош директори

Н.К.Якубова

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

«ALFA LIFE INSURANCE» Акциядорлик  
жамияти Ягона акциядорининг 2022 йил

16 мартдаги 1 -сон қарори билан

Ягона акциядор «ALFA INVEST  
SUG'URTA KOMPANIYASI»

Бош директори

**И.Ю.Ахметова**



**«ALFA LIFE INSURANCE» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ЯГОНА АКЦИЯДОРИ ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг (матнда «Жамият» деб юритилади) ягона акциядорининг мақомини ва ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Жамият таъсис ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили йил якунлари бўйича қарор қабул қилиши лозим. Бундай қарор молиявий йил тамом бўлгандан кейин 6 (олти) ойдан кечикмай қабул қилинади. Мазку қарорда Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, яққа бошчилик қилувчи ижро этувчи орган билан тузилган шартномани узайтириш мумкинлиги ёки тўхтатиш тўғрисидаги масала, жамият фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот ва қонунда назарда тутилган бошқа масалалар мажбурий тартибда акс эттирилади.

1.4. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш зарур бўлган маълумотлар жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан таъминланади.

## 2. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Ягона акциядорнинг мутлақ ваколатига қуйидагилар киреди:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш;

жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонуқчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қозғалар савдоларига чиқариш) нарҳини белгилаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;  
жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;  
қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

### **III. ЯГОНА АКЦИЯДОР ТОМОНИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

3.1. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш учун тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар (материаллар) тоифасига жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича жамият тафтиш комиссияси (тафтишчи) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, яқка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи орган, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки шартномани бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида жамият Кузатувчи кенгаши ҳулосаси, жамият Кузатувчи кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоллигига (тафтишчиларга) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси ва бошқа маълумотлар киради.

3.2. Жамиятнинг Кузатувчи кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритишда, шу жумладан ўз номзодини кўрсатишда номзоднинг исми, унга тегишли акциялар сони ва типлари (агар номзод жамиятнинг акциядори бўлса) кўрсатилади.

3.3. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш учун масалалар қуйидагилар томонидан киритилиши мумкин:

- унинг ўз ташаббуси билан;
- кузатув кенгаши таклифи билан;
- ижроия органи таклифи билан;
- тафтиш комиссияси талаби билан.

3.4. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш жараёнида кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари, мутахассислар ва бошқа шахслар қатнашиши мумкин. Бунда йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, қарор қабул қилиш жараёни ягона акциядор томонидан мустақил белгиланади.

3.5. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинади.

#### **IV. ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ**

4.1. Ягона акциядор қарори ягона акциядор ёки унинг вакили томонидан тасдиқланади.

4.2. Ягона акциядор қарорида:

- қарор қабул қилинган жой ва вақт;
- қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этган шахслар;
- йиғилиш кун тартиби;

- қарор қабул қилиш учун қўйилган масалалар, қарор қабул қилиш яқунлари ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

4.3. Ягона акциядор қарори имзолангандан кейин сақлаш учун жамият архивига топширилади.

#### **V. ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ**

5.1. Ягона акциядор қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти қарорда ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса, жамият ижроия органи томонидан амалга оширади.

5.2. Ягона акциядор қарорлари барча маъсул шахс томонидан бажарилиши мажбурийдир.